АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙНИНГ “АЛ-АҲКОМ АС-СУЛТОНИЙЙА ВА-Л-ВАЛОЁТ АД-ДИНИЙЙА” АСАРИ – МУСУЛМОН ШАРҚИ САЛТАНАТ БОШҚАРУВ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА (X – XI асрлар)

Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович
Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти “Педагогика ва тилолар” кафедраси в.б.доценти, т.ф.ф.д. (Ph.D) (+998 99) 8931970
E-mail: mowardiy964barlos@mail.ru
juraevziyovuddin70@gmail.com
https://orcid.org/0009-0005-4893-4763

Салтанат ва аҳкомлари “Байтуллоҳ” ва шариъат аҳкомлари каби муқаддас. Салтанат эгаси Султонга итоъат – Аллоҳга итоъат демакдир.
АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙ

Мазкур мақолада Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб Мовардий (973-1058 йй.)нинг илмий мероси хусусан, “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (X – XI асрлар) сифатида илмий жиҳатдан ўрганилган.

الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي.

Абулҳасан Мовардий “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув [қоидалари]” асари илк яратилган энг мукаммал адолатли халқпарвар – демократик таълимотлар битилган назарий, айни пайтда амалий аҳамият касб этган салтанат бошқарув иерархиясини ўз ичига олган буюк асар сифатида тарихга кирган.

Мазкур манба, асрлар давомида салтанат бошқарувида – султонлар, подшоҳликда – подшоҳлар, амирликда – амирлар, хонликда – хонлар, давлатчиликда – давлат раҳбарларнинг бошқарув амалиётида қўлланилган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи бош қомусий манбаси сифатида алоҳида ўринга эга бўлиб келган.

Инсоният тарихида Юнон, Бағдод ва Маъмун ва Самарқанд академиялари вакиллари: Афлотун, Арасту ва Абу Наср Фаробий ҳамда Абулҳасан Абулҳасан Мовардий, Соҳибқирон Султони муаззам Амир Темурлар яратган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар салтанат, амрлик, подшоҳлик, хонлик, давлатчилик бошқарув амалиётида қадимдан то ҳозиргача ўз ўрнини йўқотмасдан, соҳа мутахассисларига дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Сир эмаски, бугунги кунларда жаҳон миқёсида эришилаётган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ҳамда давлатчилик тараққиёти ўтмишда асос солинган адолатли, инсонпарвар, маърифатпарвар таълимотлар ҳамоҳанглигида ривож топмоқда. Мозийга қараб иш юритмоқлик хайрликдур, деган шу гаплар ростдур.

Мазкур тадқиқот Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб Абулҳасан Мовардий қаламига мансуб “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” (XI аср) асарининг қўлёзма манблари: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси қўлёзмалар, нодир китоблар ва нашрлар фондидаги (Пв. № 63) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослиук Институтида сақланаётган (Р. № 7228/I) рақамли иккита қўлёзмаси, Кувайтдаги учта (Ирландиядаги Честер Битти кутубхонаси микрофильмлари № 4903, № 5085), Санкт-Петербургдаги (№ 6737), Туркиядаги (№ 377; № 378; № 379) асл қўлёзма манбалари асосида махсус тайёрланди.

Ислом давлатчилиги ва ҳуқуқи ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар, сиёсатшунослар ва ҳуқуқшунослар орасида ўзига хос ва мос ўринни эгаллаган, Шарқ сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида ўчмас из қолдирган Ислом конституцианализмининг асосчиси, услубиётчиси, ўз даврининг машҳур сиёсатшуноси, ҳуқуқшуноси ва адабиётшуноси Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Абулҳасан Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофеъий (973–1058 йй.)нинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” (1045–58 йй.) асарининг илмий таҳлил этилиши ҳеч муболағасиз ўзбек манбашунослиги, ҳуқуқшунослиги, ислом тарихи, давлатчилиги, салтанатчилигида алоҳида эътиборга молик воқеъадир.

Инсоният тарихининг давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгандан кейинги босқичларида салтанат, давлат ва жамиятни бошқариш, ижтимоий бошқарувнинг асос ва таянч тамойиллари, бошқарувчилар ва бошқарилувчиларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, бурчлари, уларга оғишмай риоя қилиш кафолатлари, энг яхши бошқаришни ўрнатиш орқали мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ҳамда халқ фаравонлигини таъминлаш каби масалалар, турли замон ва маконларда яшаб ижод этган, сиёсий фаолият олиб борган илм аҳли ва жамоат – давлат арбобларининг диққат марказида бўлиб келган.

Оқибат натижада хилма-хил сиёсий-ҳуқуқий назариялар, таълимотлар яратилган, уларнинг айримлари амалиётга татбиқ этилган. Ушбу масъулиятли ва сермашаққат вазифани адо этишга Шарқ ва Ғарбда яшаб ижод этган дунёвий ва диний илм вакиллари улкан ҳисса қўшишган.

Шарқда, хусусан Ислом оламида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг бетакрор, серқирра ва ўзига хос ҳиссасини қўшган Ислом конституционализмининг асосчиси сифатида ҳозирги замон Шарқ ва Ғарб илмий жамоатчилиги томонидан эътироф

этилган, ўз даврининг машҳур алломаси сифатида инсоният тарихида ўчмас из қолдирган Абулҳасан ал-Абулҳасан Мовардийдир.

Аллома ўзидан бой илмий мерос қолдирган. Тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича, унинг қаламига мансуб асарлар ҳозиргача аниқланган сони 18та, улардан битта асари бизгача етиб келмаган.

Аниқроғи асар ҳозирча топилмаган, десак тўғри бўлади. Алломанинг асарларини мазмуни бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – диний масалаларга бағишланган асарлари: “Тафсир ал-Қурьон”(“Қурьон тафсири”), “Китоб ал-ҳовий ал-кабир” (“Буюк қомус”), “Китоб аълом ан-нубувва” (“Пайғамбарлик илмлари ҳақидаги китоб”);

Иккинчи гуруҳ – ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларга оид асарлари: “Китоб ал-иқнаъ фи ал-фиқҳи аш-шофеъий” (“Шофеъий фиқҳи ҳақида ишончли манба”), “Китоб фи ал-буюуъ” (“Савдо-сотиқ ҳақида”), “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” (“Султонлик аҳком-лари ва диний бошқарув [таълимотлари/қоида]лари”),

“Қавониин ал-вазорати ва сиёсати ал-мулук” (“Султонлар сиёсати ва вазирлик қонунлари”), “Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар фи ахлоқ ал-малик ва сиёсат ал-мулук” (“Султонларнинг сиёсий насиҳатлари ва ҳукмдор ахлоқий жиҳатлари ҳамда тезкор муваффақият қозонишнинг назарий омиллари”), “Китоб насиҳат ал-мулук” (“Султонлик насиҳатномаси”), “Сиёсат ал-мулук” (“Султонлик сиёсатномаси”), “Адаб ал-қози” (“Қозилик одоби [ҳуқуқи]”), “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисба” (“Ҳисба ташкилотининг талаблари ҳақида рутбалар китоби”);

Учунчи гуруҳ – адабиёт, тил маданият ва маърифатга оид асарлар: “Китоб фи ан-наҳви” (“Араб тили грамматикаси”), “Китоб ал-амсал ва-л-ҳикам” (“Қурьондаги зарбулмасаллар ва ҳикматли сўзлар”), “Китоб адаб

ад-дунё ва ад-дин” (“Дин ва дунё одоби[ҳуқуқи]”), “Китоб адаб ат-такаллум” (“Нутқ маданияти ҳақида китоб”), “Китоб маърифат ал-фазоил” (“Фозилларнинг маърифати”) ...

Абулҳасан Мовардийнинг юқорида номлари зикр этилган айрим асарлари Миср, Ироқ, Кувайт, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Англия, АҚШ, Шотландия каби давлатларда нашр этилган. Ўзбекистонда алломанинг фақат “Адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дунё ва дин одоби [ҳуқуқи]”) асари ўзбек тилига таржима қилиниб, 2017 йилда чоп этилди.

Абулҳасан Мовардий илмий изланишларининг якуний натижаси бўлган “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” унинг шоҳ асари Ислом салтанатчилиги, давлатчилигига бағишланган илк асарларидан бири сифатида қарийиб ўн асрдан буён давлат арбоблари, сиёсатшунослар, давлатшунослар ва ҳуқуқшунослар энг кўп мурожаат қилган манба ҳисобланади.

Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари Миср, Кувайт, Байрут, Туркияда бир неча бор нашр этилган.

“Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” араб тилидан форс, турк, урду, малай, француз, немис, голланд (фламендча), инглиз, ўзбек (таржима муаллифи: Жўраев З.М.) тилларига таржима қилинган ва нашр этилган.

Хорижий давлатларда “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя”да илгари сурилган сиёсий-ҳуқуқий ғояларини илмий-таҳлил қилиш натижаси ўлароқ қатор монографиялар ва мақолалар эълон қилинган. Хусусан:

Максимилиан Энжернинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари” (1843й.); “Китоб ал-Аҳком ас-султонийя – сиёсий конституция манбаи” (1853й.); “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий этикаси” (1882й.);

М.Адольфнинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий конституцияси” (1853й.), А.В.Кремер., С.Кейзер., Ҳ.С.Сусан., М.Гартманнлар (1862й.)нинг мақолалари;

А.Хонжийнинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг вазирлик мажбуриятлари” (1929й.);

Усмонли салтанатининги охирги вакилларидан Абдулҳамид сонийнинг бош вазири сифатида фаолият юритган француз олими Л.Остророгнинг “ал-Аҳком ас-султонийя” (1910й.);

А.Фагнаннинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий конституцион давлат бошқарув мақомлари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари ҳақида” (1915й. ва 1982й. Иккинчи нашри);

С.Койоннинг “Мусулмон цивилизациясида сиёсий билимнинг инъикоси” каби монографиялари ва Ҳ.Ф.Амедроуснинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асосида ёзилган “Қозилик.

Адлия ишлари, ҳуқуқий ҳолатлар”;

“Фавқулодда ҳолатлар ҳуқуқий жиҳатлари (Мазолим)”;

“Ҳисба ташкилотининг ҳуқуқий мақомлари”га бағишланган 3та мақоласи (1910, 1911, 1916 йй.);

Ж.Эдвард “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари” (1940й.);

А.И.Ж.Роузенталнинг “Ўрта асрларнинг сиёсий ғоялари” (1958й.);

Г.А.Гиббнинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг имомат назарияси” (1962й.);

Д.Литтелнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” нинг янги қўлёзмаси” (1974й.);

Қ. Ханнинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг давлатчилик назарияси”;

И.Михаелнинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардий: Ислом сиёсий тафаккурининг намунаси” (1968й.);

К.С.Ломбтоннинг “Ўрта асрларда давлат ва ҳокимият масалалари” (1981й.);

Н.Салдернинг “Жума намози ва ҳукуматнинг ҳуқуқий назарияси Сарахсий, Шерозий, Абулҳасан Мовардий” (1986й.);

Ҳ.Лаусннинг “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий актлари” (1986й.) каби мақолаларида Абулҳасан Мовардий сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг у ёки бу қирралари илмий таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилган ва алломанинг жаҳон халқлари давлат ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи ривожланишига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланган.

Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг ҳаёти, ижоди ва илмий фаолиятининг маҳсули бўлган илмий – меросини ўрганиш юртимизда мустақиллик йилларида киришилди.

А.Х.Саидов ва А.Ш.Жузжонийларнинг “Шарқ ва инсон ҳуқуқлари” (1994й.) монографиясида Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг ижодий мероси ва унда инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот давомида Абулҳасан Мовардийнинг ҳаёти, илмий мероси ва “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асарининг қўлёзмалари, унда кўтарилган давлатчиликка оид масалалар ва уларнинг ечими ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баёнини акс эттирувчи ўттизга яқин мақола ва “Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг Шарқ давлатчилик таълимоти (X–XI асрлар)” монографиясининг нашр этилиши (1915 й.) аллома илмий меросини Ўзбекистонда ўрганиш борасидаги дадил қадам бўлди.

Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросини, хусусан, унинг шоҳ асари “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя”нинг ўзбек тилига тўлиқ таржимасини нашрини амалга ошириш нур устига аъло нур бўлар эди.

Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа”ни ўзбек китобхони ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлиши натижасида манбашунослар, тарихшунослар, сиёсатшунослар, салтанатшунослар, давлатшунослар ва ҳуқуқшунослар томонидан салтанат, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи сиёсатшунослик соҳаларида кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун замин яратади.

Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросини, хусусан, унинг салтанатни бошқариш ҳақидаги асари “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа”ни чуқур ва атрофлича ўрганишни давом этирилиб, “Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” асари – мусулмон Шарқи салтанат бошқарув тарихига оид муҳим манба (X–XI асрлар)” номли монографияни нашрга тайёрлаган.

Мазкур монография Ўзбекистонда илк бор алломанинг шоҳ асарида илгари сурилган салтанат, давлат бошқаруви ҳақидаги ғоялари ҳақида мажмуавий маълумот берувчи тадқиқот ҳисобланади.

Узоқ йиллик изчил илмий тадқиқот натижаси саналган монографияда Абулҳасан Мовардий яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, турли ижтимоий кучлар ўртасида авж олган ҳокимият учун кураш, мафкуравий қарама-қаршиликлар, маданий-маънавий ҳаётда юз берган ўзгаришлар, уларнинг Абулҳасан Мовардий сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсири, алломанинг илмга кириб келиши, ижтимоий-сиёсий фаолияти, илмий мероси, ўз даврининг етук фақиҳи сифатида Ислом оламида обрў эътиборга эришиши, ақзо ал-қузотлик (Адлия вазири) фаолияти ҳақида қизиқарли ва ишончли маълумотларни келтирилган.

Ушбу монографияда муаллиф Абулҳасан Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросини ўрганишга, унинг замондошлари ва издошларининг қўшган ҳиссалари, XIX – XXI асрларда яшаб ижод этган

Шарқ ва Ғарб тадқиқотлари шу жумладан мамлакатимиз олимлари томонидан аллома илмий меросининг у ёки бу қирраларини илмий-таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган ва ҳозирги даврда олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар берган.

Муаллифнинг ўз тадқиқотида алоҳида эътибор қаратилган масала – бу Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” асари қўлёзмаларини ўзига хос хусусиятларидир.

Монографияда “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” асарининг Ирландия, Тошкент, Туркия, Миср, Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзмаларининг қандай хаттотлик услубида ёзилгани, кўчирилган жойи ва йили, ўлчами, матннинг тўлалиги, турли:

“Конгрес” (АҚШ), “Честер Битти” (Ирландия), “Искандария – ал-Азҳар” (Миср), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси (Тошкент) каби фондларда сақланаётган қўлёз-маларининг умумий ва жузъий хусусиятлари, уларнинг қиёсий таҳлили асосида муаллифнинг хулосалари, асарнинг таркибий тузилиши, унда илгари сурилган салтанат, давлат сиёсати ва бошқарув раҳбарининг сиёсий-ҳуқуқий мақоми, ваколат доиралари, хизмат вазифалари, қарор ва фармонлари, марказлашган салтанатни бошқариш тамойиллари, мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар, мансабдорларни танлаш ва тайинлаш ҳамда мансабидан бўшатиш, салтанат, давлат мулозимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифа ва бурчлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари, аҳолидан ундириладиган солиқларнинг турлари, миқдори ва ундириш тартиби, жиноят содир этган шахсларни жазолаш қоидалари, салтанат, давлатни бошқаришда фойдаланиладиган дунёвий ва диний қонун-қоидалар, одил судловнинг асосий мақсади – адолат ва ҳақиқатга эришишда суднинг ўрни ва роли, салтанат, давлат бошлиғи меросхўри – валиаҳдликка

номзодни танлаш, тайинлаш тартиби, вазирликларни ташкил этиш ва вазирларни лавозимга тайинлаш шартлари, уларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари, қозиларни тайинлаш шартлари, Мазолим – адолатсизлик ва зулмга қарши курашиш бошқармасини ташкил этишдан кўзланган мақсад, унинг раҳбарининг вазифа ва мажбуриятлари кабилар ҳақидаги Абулҳасан Мовардийнинг фикр-мулоҳазалари келтириб ўтилган. Шунингдек, тадқиқотда мусулмон жамоаларнинг:

– ижтимоий масъулиятлари: фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаб амалларини бошқариш, намоз ўқишда имом танлаш, ҳаж билан боғлиқ жараёнларга раҳбарлик қилиш,

– иқтисодий мажбуриятлари: садақа, закот, ўлжа ва ғанимат, жизья ва хирож, алоҳида низоли ишлар бўйича ҳукм чиқариш, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва уларга сув чиқариш, султон (салтананатга қарашли ҳудуд – ерларлар)га қарашли ер мулклар, мерос мулклар, хусусий мулклар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш;

– сиёсий-ҳуқуқи: сайлов, танлов, бошқарув, бошқарилувчи, девонхона, котибият ва архив ишларини ташкил қилиш, ҳамда жиноятчиларга нисбатан жазо чораларини қўллаш, муҳтасиблик органини ташкил қилиш ва ва ҳказоларнинг вазифалари ҳақидаги Абулҳасан Мовардийнинг фикр-мулоҳазалари қисқача баён этилган.

Монографияда Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-диниййа” асарини ёзишда фойдаланилган манбалар туркуми: – Қуръони каримнинг оятлари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифлари, Рошидун, уммавий ва аббосий халифаларининг султонлик бошқаруви тажрибаси, ҳамда шу давр алломаларидан:

Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Ҳанбал, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва бошқаларнинг салтанатни бошқариш соҳасидаги инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, қиёсий ҳуқуқга тегишли ижмоъ, иттифоқ, рай, қиёс, истиҳсон, истидлол, истислоҳ, истинбот,

истишора, истихборот каби ҳуқуқий тамойиллар, фикр-мулоҳазалари қиёсий жиҳатдан илмий таҳлил қилинган.

Олиб борилган изчил тадқиқотлари асосида монография муаллифи тегишли хулосалар чиқарган. Тадқиқотчи “ал-Аҳком ас-султонияя ва-л-валоёт ад-динияя” асарининг тарихшунослик ва манбашунослиқда, ислом тарихи, ҳуқуқи, салтанат бошқарувида тутган ўрни ва роли, асарнинг сўнги даврларда амалга оширилган нашрлари, унинг турли тилларга таржимаси, асар юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берилган.

З.М.Жўраев тадқиқотининг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, унда муаллиф Абулҳасан Мовардийгача яшаб ижод этган мутафаккирларнинг салтанат, давлат бошқарувига оид асарларидан кенг фойдаланганлигини, “ал-Аҳком ас-султонияя ва-л-валоёт ад-динияя” асари асосида унинг муаллифидан кейин яшаб ижод этган фақиҳлар сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланиши, халқаро ва қиёсий ҳуқуқнинг ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилганини асослаб берган.

Мазкур тадқиқотда муаллиф Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонияя ва-л-валоёт ад-динияя” асарини мусулмон Шарқида салтанат тузиш, давлат сиёсати ва бошқариш ҳуқуқи бўйича муҳим назарий манба эканлигини исботлашга ҳаракат қилган, ушбу мавзуга оид асарларнинг яратилишида алоҳида аҳамият касб этганини кўрсатиб берган.

Жўраев З.М. томонидан нашрга тайёрланган “Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонияя ва-л-валоёт ад-динияя” асари – мусулмон Шарқи салтанат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (X–XI асрлар)” номли монографиясини нашр эттириш мақсадга мувофиқ ишдир.

Хуллас, монография муаллифи З.М.Жўраев ўз олдига қўйган мақсадга асосан эришган, вазифаларни ҳал қилишни уддасидан чиққан. Унинг томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келгусида толиби илмларнинг исломшунослик, манбашунослик, тарихшунослик, сиёсатшунослик, давлатшунослик, ҳуқуқшуносликка оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришларида муҳим манба ролини ўйнаши мумкин.